



## МАМЛАКАТИМИЗДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Салохитдинов Шерзод Фарходович

Жиззах политехника институти

(Жиззах, Ўзбекистон)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7628580>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-yanvar 2023 yil

Ma'qullandi: 05-fevral 2023 yil

Nashr qilindi: 10-fevral 2023 yil

### KEY WORDS

хизмат соҳаси, товар,  
истеъмолчилар буюртмаси,  
ишлаб чиқариш, статистик  
кузатиш, хизматлар  
статистикаси.

### ABSTRACT

Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодийда тутган ўрни, кўрсатилган хизмат турларининг ҳажми, таркиби ва динамикаси таҳлил қилинган. Шунингдек, бу соҳани ривожлантириш мамлакат ялпи ички маҳсулотни кўпайтиришнинг муҳим омили эканлиги таъкидланган.

Маълумки охириги йилларда мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаяпти. Чунки бу соҳага нисбатан кам инвестиция киритиб янги иш ўринлирини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва иқтисодий ривожлантириш имкони мавжуд. Таҳлиллар натижасига кўра ривожланган давлатларда хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши (ЯИМ) 70-80 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 2020 йил натижаларига кўра 36,3 фоизни ташкил этди ва паст даражада бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш долзарб масала ҳисобланади.

2017-2020 йилларда Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2017 йилдаги 39,1 фоиздан 2020 йилда 36,3 фоизга камайди. Шу билан биргаликда, охириги уч йилда (2018-2020 йй.) ушбу кўрсаткичнинг ўсиши динамикаси кузатилмоқда (2018 йилдаги 35,9 фоиздан 2020 йилда 36,3 фоизгача). Хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрига тўғри келади (2016 йилдаги 61,6%дан 2020 йилда 51,5%гача камайди), энг паст кўрсаткич эса Навоий вилоятида (2016 йилдаги 21,3%дан 2020 йилда 10,0%гача камайди).

2020 йилда 2017 йилга нисбатан хизматлар соҳаси жами ўсиш суръати республикада 139,6 фоизга (1,4 марта) ўсди. Юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида (162,5%), Сирдарё (159,1%), Жиззах (148,7%), Навоий (144,9%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (146,5%) қайд этилди (1-чизма). Минтақаларда замонавий хизмат турларидан молиявий, алоқа ва ахборотлаштириш, таълим, меъморчилик, муҳандислик хизматлари, техник синовлар ва таҳлил хизматлари юқори суръатларда ривожланди.

Хизматлар соҳаси социал-иқтисодий категория сифатида истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш турларининг кенг спектрдаги такрор ишлаб чиқаришини қамраб олиб, уларнинг ҳар бирига махсус фаолият тури мос келади. Хизматлар товарлардан фарқли улароқ моддий объектлар шаклини ола олмайди. Хизматларни амалга ошириш ва уларни ишлаб чиқариш бир-бирдан ажралмасдир.

Хизматлар истеъмолчиларнинг буюртмаси бўйича ишлаб чиқарувчилар томонидан амалга ошириладиган турли фаолият натижаларини ифодалайди ва одатан бирликлар ҳолатини ўзгартиришга олиб келади. Хизматларни амалга оширувчилар томонидан истеъмолчилар интиладиган ўзгаришлар боғлиқ бўлиши мумкин:

- истеъмол товарларининг ҳолати билан: хизматни ишлаб чиқарувчи истеъмолчига тегишли товарлар билан муайян операцияларни, яъни уларни ташиш, тозалаш, таъмирлаш каби ишларни амалга оширади.

- инсоннинг жисмоний ҳолати ва маънавий ривожланиши бўйича: хизматни амалга оширувчи инсонларга терапевтик ёки жарроҳлик ёрдами кўрсатади, уларнинг ташқи кўринишини ўзгартиради, таълим, информацион ва маслаҳат хизматларини кўрсатади, кўнгил очар дастурларни ташкил қилади ва ҳ.к.

- институционал бирликларнинг умумий иқтисодий ҳолатига кўра: ишлаб чиқарувчи суғурта, молиявий воситачилик бўйича хизматлар кўрсатади, ҳимояни таъминлайди, кафиллик беради ва ҳ.к.

Бундай ўзгаришлар вақтинчалик ёки доимий характерга эга бўлиши мумкин. Чунончи, тиббий хизматлар ёки таълим соҳасида хизматлар кўрсатиш натижасида истеъмолчилар ҳолатида узоқ муддатли ўзгаришлар рўй бериши ва бу ўзгаришларнинг афзаллигидан узоқ йиллар мобайнида фойдаланиш мумкин. Бир гуруҳ тармоқлар, товарларнинг кўпгина хусусиятига эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланса ҳам одатан хизматлар соҳаси каби таснифланади. Бу гуруҳга информацион дастурларни яратиш, янгиликлар ва маслаҳат хусусиятига эга бўлган материалларни тайёрлаш, дастурийтаъминотни ишлаб чиқиш, кинофильмлар ва мусиқа дастурларини яратиш вашу кабилар киради. Эгалик ҳуқуқи ўрнатилган бу тармоқларнинг маҳсулоти кўпинча моддий кўринишдаги тарқатувчилар (қоғоз, магнит ленталар, диск вашу кабилар)да сақланади. У оддий товарлар каби сотилиши ва сотиб олиниши мумкин.

2020 йилда аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар натижасига кўра ҳудудларларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин.

I-гуруҳга, яъни хизматлар соҳаси ривожланган ҳудудларга Тошкент шаҳри, Тошкент, Навоий ва Бухоро вилоятлари киради. Бу ҳудудларда саноатнинг ривожланганлиги ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилманинг тараққий этганлиги хизматлар соҳасини ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

II-гуруҳга, хизматлар соҳаси ўртача даражада ривожланган ҳудудларга Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Самарқанд, Андижон, Жиззах, Фарғона, Хоразм вилоятларига тўғри келди. Бу ҳудудларда саноат соҳасининг нисбатан кам тараққий этганлиги сабабли замонавий хизмат турлари ўртача ривожланган бўлиб, асосан ананавий хизмат турлари устунлик қилади.

III-гуруҳга, хизматлар соҳаси паст даражада ривожланган ҳудудларга Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари

киради. Ушбу вилоятлар иқтисодиётида қишлоқ хўжалигини ривожланганлиги сабабли асосан хизматларнинг анъанавий турлари кўпроқ тараққий этган.

Таҳлил қилинаётган даврда минтақалараро тафовутларнинг кам даражада ўсиши кузатилди (2017 йилдаги 8,8 мартадан 2020 йилда 10,2 мартагача ошди). Минтақалараро тафовутни Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаган ҳолда ҳисоблаганимизда 1,8 мартани ташкил этди (энг юқори кўрсаткич Навоий вилояти ва энг кам кўрсаткич Сурхондарё вилояти ўртасида). Таҳлил даврида йирик ва кичик шаҳарлар ўртасидаги тафовутлар ортиши кузатилди (масалан, Самарқанд ва Ангрен шаҳрлари ўртасидаги тафовут 1,8 мартадан 2,3 мартагача ортган).

Таъкидлаб ўтиш жоизки, 2017 йилга нисбатан 2020 йилда жами хизматларда қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматларнинг улуши камайган бўлсада, охириги уч йилда яъни, 2018 йилдаги 24,5 фоиздан 2020 йилда 25,0 фоизгача ортди). Бунинг асосий сабабларидан бири бўлиб 2016-2020 йилларда мамлакатда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган дастур ижроси ҳисобланади. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишида, биринчи навбатда қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи ўсиши ва ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланганлик даражасини ошиши ҳисобига ижобий ўзгаришлар рўй беради. Бундан ташқари қишлоқ ҳудудларида, айниқса маҳаллаларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни амалга оширилиши қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга янги туртки берди. Бундан ташқари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан туманларда 71 ва маҳаллаларда 21 хил биринчи галда ташкил этилиши тавсия этилган хизмат турларини ривожлантириш бўйича берилган таклиф ўз натижаларини бермоқда.

Ўрта муддатли истиқболда ҳудудларда хизматларни ривожлантириш учун қуйидаги чораларни кўриш зарур:

- юқори қўшимча қийматга эга бўлган хизмат турларини ривожлантириш асосида ялпи ички маҳсулотда хизматларнинг улушини ошириш;
- республика ва ташқи бозорда ҳудудларнинг интеграция жараёнларини ошириш асосида турли хил хизматларга (транспорт, молиявий, ахборот хизмат турларини) бўлган талаб ва рақобатбардошликнинг ўсишини таъминлаш;
- чегарабўйи Марказий Осиё давлатлари доирасида хизматлар соҳаси бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш. Хусусан, Андижон, Наманган, Жиззах, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида;
- минтақалараро тафовутларни камайтириш мақсадида айниқса, Сурхондарё, Жиззах, Наманган, Сирдарё вилоятлари туманларида алоқа ва ахборотлаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим хизматларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида малака ошириш курсларини ташкил этиш;
- қишлоқ жойларида хизматлар соҳасининг жами хизматлардаги улушини мунтазам ошириб бориш асосида бу кўрсаткични 2020 йилдаги 25,0 фоиздан 2026 йилга келиб 35,0 фоизга етказиш;
- қишлоқ туманларида етиштирилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш билан боғлиқ бўлган сақлаш, қайта ишлаш, ташиш ва қадоқлаш, сотиш хизматларни ривожлантириш;
- қишлоқ жойларида алоқа ва ахборотлаштириш, банк-молия ва бошқа илмталаб,

юқори қўшимча қиймат яратувчи хизматларни ривожлантириш;  
- туманларда ва айниқса маҳаллаларда гўзаллик салонлари, уй боғчалари, ательелар, таълим хизматлари, автотаъмирлаш хизматлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматларини ривожлантириш;  
- хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2020 йилдаги 36,3 фоиздан 2026 йилга келиб 45,0 фоизгача етказиш мақсадга мувофиқ;  
- ҳудудларда хизматлар соҳасидаги кадрларни мунтазам равишда қисқа муддатли малакасини ошириш курсларида ўқитиш;  
- хизматлар соҳасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларига янги объектларни яратиш ва уларни технологик жиҳозлаш учун қисқа муддатли банк кредитларини олишда имтиёзлар бериш;  
- ҳудудларда, айниқса, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Наманган, Жиззах вилоятларининг мавжуд рекреацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида ички ва ташқи туризмни ривожлантириш;  
- хизматлар соҳаси фаолиятида уни ташкил этишнинг янги замонавий услубларидан кенг фойдаланиш, яъни соҳани рақамлаштириш, аутсорсинг, давлат хусусий шерикчилиги ва бошқалардан кенг фойдаланиш.  
Умуман олганда, юқорида қайд этиб ўтилган таклифларни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ўрта муддатда хизматлар соҳасини янада ривожлантириш ва ҳудудлараро тафовутни камайтиришга имкон беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сонли “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;
2. Курс социально-экономической статистики. (Под ред. проф. М.Г.Назарова) М.: ОМЕГА-Л, 2007;
3. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетени 2016 йил январь-декабрь. Т.: Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2017;
4. Ўзбекистон рақамларда. Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017.
5. Хужакулов Х.Д. Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ривожланиши ва таркибий ўзгаришларини статистик ўрганиш. (2017) Ҳалқаро молия ва ҳисоб электрон журнали
6. Uglu, R. S. S. (2021). Analysis of economic reforms increasing labour resources in the republic of uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(11), 390-396.
7. Расулов, Ш. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ. Экономика и образование, 23(2), 227-232.
8. Расулов, Ш. (2022). МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ. Экономика и образование, 23(4), 149-153.
9. Расулова, Ш. Ф. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА БАНДЛИК МУАММОСИ. ИШСИЗЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ. Global Science and Innovations: Central Asia (см. в книгах), 3(7), 22-25.
10. Расулова, Ш. Г. (2019). ВАЖНОСТЬ ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ МЕР ПО

ПОВЫШЕНИЮ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ. Актуальные научные исследования в современном мире, (3-8), 95-100.

11. Расулова, Ш. Ғ. (2019). ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ПОЛИТИКА ГОСУДАРСТВА И ПОВЫШЕНИЕ ЕЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ, НАПРАВЛЕННЫЕ НА ПОВЫШЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ. Актуальные научные исследования в современном мире, (3-8), 90-95.

12. Rasulova, S. G., & Obidova, F. Y. (2019). ISSUES OF SMALL BUSINESS DEVELOPMENT. Theoretical & Applied Science, (9), 426-429.

13. Rasulova, S., & Jabborova, Z. (2019). PRINCIPAL DIRECTIONSON THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP. International Finance and Accounting, 2019(3), 18.

14. Расулова, Ш. Г. (2020). ПРИВЛЕЧЕНИЕ ИНВЕСТИЦИЙ. Экономика и социум, (2), 316-319.

15. Якубов, С. Ф., Гафуров, А. Т., & Расулова, Ш. Г. (2015). Вопросы активизации деятельности коммерческих банков в финансировании инвестиций. Молодой ученый, (3), 551-556.

16. uglu, R. S. S. . (2023). CRITERIA AND CHARACTERISTICS OF THE FORMATION OF LABOR RESOURCES IN A MODERN MARKET ECONOMY. ARXITEKTURA, MUHANDISLIK VA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR JURNALI, 2(1), 56-60.

17. Ғайбуллаевна, Р. Ш. ., & ўғли, Р. Ш. Ш. . (2023). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БАНДЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ. ARXITEKTURA, MUHANDISLIK VA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR JURNALI, 2(1), 74-76.

18. Keldiyorovich, O. I., & Sharof o'g'li, R. S. (2023). PUL OQIMLARI TO'G'RISIDAGI HISOBOTLARNI TUZISHGA QO 'YILGAN TALABLAR. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(1), 276-283.

19. Ахмедова, Ю. С. (2023). ИНВЕСТИЦИЯЛАР-ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ БОШ ОМИЛИ. BARQARORLIK VA YETAKSHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(1), 226-229.

20. Шерзод, С. Ф. (2022). ПУЛ КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ ИНФЛЯЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(2), 81-87.